

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.30.05.2018.Т.66.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ОБИДОВ АВАЗБЕК АЗАМАТОВИЧ

**ЖИНЛАНГАН ЧИГИТЛАРГА ИШЛОВ БЕРИШНИНГ САМАРАЛИ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ**

**05.06.02 - Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга
дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации
Contents of the Abstract of Doctoral Dissertation

Обидов Авазбек Азаматович

Жинланган чигитларга ишлов беришнинг самарали технологиясини яратиш 3

Обидов Авазбек Азаматович

Создание эффективной технологии обработки проджинированных семян 29

Obidov Avazbek

Creation of an effective technology for processing ginned seeds 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ 57
List of published works

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.30.05.2018.Т.66.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ОБИДОВ АВАЗБЕК АЗАМАТОВИЧ

**ЖИНЛАНГАН ЧИГИТЛАРГА ИШЛОВ БЕРИШНИНГ САМАРАЛИ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ**

**05.06.02 - Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга
дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида В2019.1.DSc/T263 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Наманган муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.nammti.uz) ва «Ziynet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Ахмедходжаев Хамит Турсунович**
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Усмонқулов Алишер Қодирқулович**
техника фанлари доктори, профессор

Муҳаммадиев Давлат Мустафаевич
техника фанлари доктори, профессор

Ханхаджаева Нилуфар Рахимовна
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Ўзбекистон Табиий толалар илмий-тадқиқот институти**

Диссертация химояси Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.30.05.2018.т.66.01 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «15» февраль соат 9⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100116, Наманган ш., Косонсой кўчаси, 7, тел:(+99869) 228-76-65, 228-76-68, факс: 228-76-65; e-mail: niet_info@edu.uz, Наманган муҳандислик-технология институти 1-биноси, 1-қават, 3-хона).

Диссертация билан Наманган муҳандислик-технология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (356-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100116, Наманган ш., Косонсой кўчаси, 7, тел:(+99869) 228-76-65, 228-76-68.

Диссертация автореферати 2020 йил «31» январь куни тарқатилди.
(2020 йил «31» январь 12-рақамли реестр баённомаси).

Р.М.Мурадов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, техника фанлари доктори, профессор

О.Ш.Саримсаков
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, техника фанлари доктори

Қ.М.Холиқов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси, техника фанлари доктори

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда пахта толасини етиштириш бўйича АҚШ, Бразилия, Хиндистон давлатлари етакчи ўринларда туради¹. Дунё бозорининг ушбу сегментидаги ўрни ва нуфузини сақлаш учун бу мамлакатларда пахтага ишлов бериш технологиясини барқарор ривожлантириш, замонавий технологик жиҳозларни ишлаб чиқариш ва жорий қилиш, ресурслардан оқилона фойдаланиш, жаҳон пахта бозорига юқори сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар етказиб беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу масалаларни ҳал қилиш учун эса пахта маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг барча босқичлари техника ва технологияларини такомиллаштиришга қаратилган кенг кўламдаги илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик ишлари олиб борилмоқда.

Дунё бозорида сўнгги йилларда истеъмолчилар томонидан пахта маҳсулотларининг муайян ассортименти ва сифат кўрсаткичларига талаб ошиб бормоқда. Шу нуқтаи-назардан, пахта маҳсулотларининг сифат ва миқдор кўрсаткичларини бошқарувчи “ақлли” технологияларни яратиш, ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичида маҳсулот сифати ва миқдорига салбий таъсир кўрсатувчи жараён ва омилларни аниқлаш ҳамда бартараф қилувчи техникавий ечимларни ишлаб чиқиш вазифлари қўйилмоқда. Бундан ташқари, илмий ҳажмдор технологияларни яратиш ва жорий қилиш асосида пахта толасини чигитдан ажратиш ва жинланган чигитларни қайта ишлаш жараёнлари самарадорлигини ошириш соҳанинг долзарб масалалари сифатида кун тартибига қўйилганини таъкидлаш лозим.

Республикамизда пахта хомашёсини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш, пахта тозалаш саноатини модернизация қилиш асосида ички ва ташқи бозорда пахта маҳсулотлари рақобатбардошлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш каби вазифалар белгилаб берилган². Ушбу вазифаларни амалга оширишда, пахта тозалаш корхоналари технологик жараёнида, хусусан пахта чигитига ишлов беришда унинг таркибидаги фракциялар миқдори, хусусиятлари ва жараёнга таъсир даражасини, пуч ва етилмаган чигитлар ҳамда ифлосликнинг чиқиб кетишига таъсир қилувчи омиллар аниқлаш, пахта чигитининг табиий хусусиятларига салбий таъсир кўрсатмаган ҳолда уни тозалаш ва пишиб етилганлик даражаси, оғирлиги, габарит ўлчамлари каби параметрлари бўйича саралаш ва кейинги

¹ International cotton advisory committee. Washington, From the Secretariat of the ICAC. E-mail – secretariat@icac.org. September 1, 2019.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сон Фармони.

технологик жараёнларга узатиб беришни ўз ичига олувчи пахта чигитини ишлов беришга тайёрлашнинг самарали технологиясини яратиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ-3408 сонли «Пахтачилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 мартдаги 253-сонли «Пахта тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари фаолиятини ташкил этиш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа маъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³. Пахта хом ашёсига дастлабки ишлов бериш, жумладан чигитларни тозалаш техника ва технологиясини такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишлари Cotton Research Institute Nazilli (Туркия), ARS-USD Lubbof Texas (АҚШ), Association Cotonniere Africaine - African Cotton Association (ACA) (Африка), China Cotton Association (CCA) (Хитой), Cotton Association of India, Mumbai (Хиндистон), Central Institute for Research on Cotton Technology (Хиндистон), U.S.Department of Agriculture, Lummus (АҚШ), Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, Наманган муҳандислик-технология институти, «Пахтасаноат ilmiy markazi» АЖ (Ўзбекистон) каби компания ва муассасаларда жадал амалга ошириб келинмоқда.

Юқорида номлари келтирилган ташкилот ва муассасаларда пахтага дастлабки ишлов бериш технологик жараёнида пахта чигитини саралаш ҳамда тозалашнинг замонавий қурилмаларини ишлаб чиқиш, уларнинг иш режимини мувофиқлаштириш, пахта чигити таркиби ва компонентлари сифат, миқдор кўрсаткичларининг саралаш ва тозалаш жараёнига таъсир даражасини аниқлаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилган.

Бундан ташқари толаси ажратиб олинган чигит массасининг кўп компонентли материал эканлигини эътиборга олган ҳолда тозалаш ва саралаш жараёнининг режим кўрсаткичлари ҳамда тола сифатини сақлашни таъминловчи ишчи параметрларни аниқлаш, тола чиқишининг ошишини таъминловчи, рационал технологияларни ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар соҳа илми ва амалиётининг муайян даражада ривожланишини таъминлаган.

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.Chnnawarpingmachine.com, www.zaurer.com; www.t-ecxjapan.co.jp; www.zzfj.com, <http://www.Benningergroup.com>; www.somet.it, www.picanol.bi, <http://www/toyoda/com>, www.bstzjx.com., International journal of applied and fundamental research ва бошқа манбаалар асосида ишлаб чиқилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жинланган пахта чигитини саралаш ва тозалаш техника ва технологияларини такомиллаштириш бўйича бир қатор чет эл олимлари С.В.Аrmijo, К.Д.Вaker, Р.Г.Рatil, V.G.Arude, S.E.Hughs, E.M.Barnes, R.G.Hardin, R.K.Byler ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб борган.

Пахтани жинлаш, чигитни линтерлаш, саралаш ва ифлос аралашмалардан тозалаш техника ва технологияси, асосий ишчи қисмларнинг параметрлари ва ишлаш режимлари ҳамда чигит билан таъминлаш жараёнларини такомиллаштириш бўйича бир қатор олимлар, шу жумладан Р.В.Корабельников, Э.К.Нуралиев, Б.А.Кац, Э.Т.Максудов, Х.Т.Ахмедходжаев, И.И.Новицкий, Р.Ф.Беляев, Р.Мурадов, О.Саримсаков, Х.Исаханов, М.Тожибоев, С.Азимов ва бошқалар бу соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшдилар.

Лекин, ҳозирга қадар чет эл ва маҳаллий пахта тозалаш корхоналарида фойдаланилаётган жинланган чигитни саралаш ва ифлос аралашмалардан тозалаш, чигитларни саралаш орқали йигиришга яроқли толаларни ажратиб олиш технология ва ускуналари, ишчи қисмлари самарадорлигини ошириш масалалари ўзининг самарали ечимини топмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Наманган муҳандислик-технология институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг И-2015-2-23 “Пахта тозалаш корхонасида тола миқдори ва линт сифатини ошириш имконини берувчи янги қурилма яратиш” (2015-2016), ЁОТ-Атех-2018-92 “Чиқиндилар таркибидан узун толаларни ажратиб олиш мақсадида аррали гарнитураларнинг оптимал параметрларини аниқлаш” (2018-2019) мавзуларидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади жинланган чигитга ишлов бериш технологиясини такомиллаштириш йўли билан пахта толаси чиқишини кўпайтириш, чигит ва линт сифат кўрсаткичларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

пахта чигити таркиби, ундаги чигит ва ифлослик фракцияларининг миқдори ва хусусиятларини аниқлаш;

пахта чигити таркиби ва ундаги ифлослик даражасининг тола, чигит ва линт сифат кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш;

чигитли массадан майда ифлос аралашмаларнинг ажралиш ва фракцияларга саралаш жараёни математик боғланишларини ишлаб чиқиш;

тўрли юза бўйлаб ҳаракатланаётган пахта чигити таркибидан ажраладиган фракциялар миқдорининг юза бўйлаб тақсимланиш қонунини аниқлаш;

ўзаро эластик боғланишда бўлган чигитларнинг виброкаретка устидаги ҳаракати жараёнини моделлаштириш;

амалий ва назарий изланишлар натижаларига асосланиб, пахта чигитини саралаш режимини ишлаб чиқиш;

жинланган чигитларни саралаш ва толадор чигитларни ажратиш учун мўлжалланган янги қурилма конструкциясини яратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида пахта чигити билан таъминлаш, уни саралаш, тозалаш ускуналари ва технологик жараёнлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети турли селекцион ва саноат навли пахта хомашёси, чигити ҳамда унга ишлов берувчи ускуналар конструкцияси ва параметрлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар жараёнида пахтани дастлабки ишлаш, иссиқлик техникаси, тўқимачилик материалшунослиги, назарий ва амалий механика, олий математика, математик статистика усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi қуйидагилардан иборат:

пахта чигитининг физик-механик ва тебранма ҳаракат таъсирида компонентларга ажралиш хусусиятларини инобатга олган ҳолда жинланган чигитларни тозалаш ва саралаш технологияси ишлаб чиқилган;

жинланган чигитлар ўлчамлари, массаси ва юза билан ишқаланиш коэффицентининг ишлов бериш ускунаси самарадорлигига таъсирини ҳисобга олган ҳолда тебранувчан тўрли юзага эга бўлган пахта чигитини саралаш ва тозалаш қурилмаси конструкцияси яратилган;

тебранма ҳаракат таъсирида чигит массасининг юза бўйлаб кўчиши ва оқими миқдорини бошқариш имкониятини инобатга олиб, саралаш жараёнини чигит билан таъминловчи вибрацион таъминлагич конструкцияси ишлаб чиқилган;

турли қатламдаги чигитли масса компонентларининг тебранувчи юза бўйлаб силжиши ва траекторияларини инобатга олган ҳолда таъминлаш ҳамда саралаш жараёнларини ягона тебранувчи юза ёрдамида амалга ошириш асослаб берилган;

турли зичликдаги ўзаро эластик боғланишда бўлган ва ҳаракатланаётган чигитлар кўчиш жараёни боғланишлари таҳлили натижаларига кўра уларни тўрли юзада толадорлиги бўйича саралаш самарадорлиги аниқланган;

кўп омилли тажрибалар натижаларидан келиб чиқиб, саралаш жараёнида қурилманинг талаб қилинган самарадорлигини таъминловчи тўрли юза қиялик бурчаги, тебраниш частотаси ва амплитудасининг рационал қийматлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

жинланган пахта чигитининг компонентлари бўйича таркиби ва сифат кўрсаткичлари ҳамда улар орасидаги боғланишлар аниқланган;

пахта толаси, чигит ва линт табиий сифат кўрсаткичларини сақлаб қолувчи самарали саралаш технологияси ишлаб чиқилган;

тўрли юза бўйлаб ҳаракатланаётган пахта чигити массаси таркибидан фракцияларнинг ажралиш интенсивлиги жараёнга таъсир этувчи кучларни ҳисобга олган ҳолда аниқланган;

пахта чигитини саралаш қурилмасининг хомашё табиий сифат кўрсаткичларини сақлаб қолган ҳолда бир меъёردа, узлуксиз саралаб берувчи конструкцияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги пахта массаси таркибидан ифлос аралашмаларнинг ажралиш

жараёни назарий ва амалий тадқиқотлари натижаларини солиштириш, баҳолаш мезонларига кўра уларнинг юқори даражадаги мувофиқлиги, тадқиқотларнинг мавжуд ва амал қилаётган фундаментал назарияга мантқан мувофиқ келиши, ҳисоб-китобларда стандартлаштирилган усул ва воситалардан фойдаланилганлиги, олинган натижаларнинг реал иқтисодий самара билан ишлаб чиқаришга жорий қилиниши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тўрли юза бўйлаб ҳаракатланаётган пахта чигити компонентлари ва улар таркибидан ажраладиган ифлосликларнинг юза бўйлаб тақсимланиши ва тўрли юзаларда ифлосликларнинг ажралиш қонуниятини аниқланганлиги, турли зичликларда ҳаракатланаётган ўзаро эластик боғланишда бўлган пахта чигити ҳаракати ва ажралиш жараёни математик моделлари ишлаб чиқилганлиги, саралаш технологик жараёнида пахта чигитининг хусусиятлари ўртасидаги боғланишлари аниқланганлиги билан изоҳланди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра яратилган янги саралаш технологияси ва ускунасининг пахта чигити, толаси ва линт табиий сифат кўрсаткичларини сақлаб қолиши, пахта чигитининг бир меъёрада титиб, узлуксиз саралаб ва тозалаб берилиши натижасида жараён самарадорлиги ошганлиги ҳамда ишлаб чиқарилган маҳсулот сифатининг яхшиланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Пахта чигитини саралаш ва майда ифлосликлардан тозалашнинг такомиллаштирилган технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган натижалар асосида:

пахта чигитини саралаш ва тозалашнинг янги технологияси “Ўзпахтасаноат” АЖ тассаруфига кирувчи корхоналарда, жумладан “Тўракурғон пахта тозалаш” корхонасида жорий этилган (“Ўзпахтасаноат” АЖнинг 2019 йил 2 декабрдаги 03-18/6897-сон маълумотномаси). Натижада корхонада йиғиришга яроқли тола чиқишини 0,52% га ошириш имкони яратилган;

пахта чигитини саралаш ва тозалаш қурилмаси “Ўзпахтасаноат” АЖ тассаруфига кирувчи корхоналарда, жумладан “Косонсой пахта тозалаш” корхонасига жорий этилган (“Ўзпахтасаноат” АЖнинг 2019 йил 2 декабрдаги 03-18/6897-сон маълумотномаси). Натижада пахта чигитини тозалаш жараёни самарадорлигини 8-10% га ошириш, линтдаги ифлосликлар ва нуқсонлар миқдорини 0,3-0,4% га камайтириш имкони яратилган;

саралаш жараёнини чигит билан таъминловчи вибрацион таъминлагич конструкцияси ва саралаш жараёни рационал параметрлари “Ўзпахтасаноат” АЖ тассаруфига кирувчи корхоналарда, жумладан “Тўракурғон пахта тозалаш” корхонасида ишлаб чиқаришга жорий этилган (“Ўзпахтасаноат” АЖнинг 2019 йил 2 декабрдаги 03-18/6897-сон маълумотномаси). Натижада пахта чигитини саралаш ускунасининг самарадорлиги 5,0-6,0% га ошган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 14 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 43 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 19 та мақола нашр этилган ва Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк Агентлигининг фойдали моделга 2 та патентлари ва битта талабнома бўйича ижобий натижа олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 198 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Пахта чигитига ишлов бериш бўйича мавжуд илмий-тадқиқот ишлари шарҳи”** деб номланган биринчи боби пахта чигитларини саралаш ва тозалаш, пахта тозалаш корхоналари техника ва технологияларини такомиллаштириш бўйича Республикамизда ва чет элда олиб борилган илмий-тадқиқотлар таҳлиliga бағишланган.

“Paxtasanoat ilmiy markazi” АЖ, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳамда Наманган муҳандислик-технология институти олимлари ва илмий ходимлари томонидан пахта чигитларига ишлов бериш, жинланган чигитларни саралаш ва тозалаш технологиясини такомиллаштириш, конструкциялар ва омилларнинг оптимал қийматларини аниқлаш бўйича амалга оширилган илмий-тадқиқот ишлари натижалари таҳлил қилинган. Олиб борилган илмий-тадқиқот ишларини таҳлил қилиш натижасида хозирги кунгача чигитларни кўп фракцияга ажратиш ва толадор чигитларни саралаб олиш орқали корхонада тола чиқишини ошириш имкониятини берувчи содда ва самарадор қурилмалар яратилмаган ҳамда ушбу масала етарлича ўрганилмаган.

Таҳлиллар натижасида тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари белгилаб олинди, жумладан, комплекс тадқиқотларни ўтказиш натижасида толаси ажратиб олинган чигитга ишлов беришнинг самарали технологиясини яратиш ва амалиётга жорий қилиш орқали кўшимча тола олиш ҳамда чигит ва линтнинг талаб қилинган сифатини таъминлаш, жинлаш маҳсулотларига ишлов бериш технологиясида жиндан чиққан чигит массасини тозалаш ва саралаш орқали бири-бирининг таркибига номақбул ўтишини бартараф этиш, толадор фракцияларни қайта жинлаш, қолган фракцияни тукдорлик

даражасига қараб саралаш орқали технологик жараённи қисқартириш ва натижада маҳсулот сифат ва миқдор кўрсаткичларини яхшилаш кўзда тутилди.

Диссертациянинг **“Жинланган чигитларнинг технологик хоссаларини тадқиқ қилиш”** деб номланган иккинчи бобида чигитнинг физик-механик хоссаларига, унинг шакли ва ўлчамлари, зичлиги ва оғирлиги, чигит ва чигитли массанинг нисбий оғирлиги, эластиклик хоссаларига, қатламнинг қаттиқлиги ва чигитнинг мустаҳкамлиги ёки унинг синишига олиб келувчи кучларнинг қийматларини аниқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказилди.

Механика қонунларини қўллаб чигитларнинг оғирлик марказини унинг ташкил этувчилари бўйича аниқланди. Ушбу ҳисобий ишда чигит кесик конус шаклида кўрилиб, чигитнинг турли нуқталаридаги оғирлик марказлари аниқланди. Бу ҳолда ўрта толали пахта учун $l = 31 - 33$ мм қабул қилинган бўлса, у ҳолда қабул қилинган H бўйича Z_b аниқланади ва $Z_b = 16,5 + 1,3R$ бўлади.

Бундан ташқари толадор чигитлар учун уни эркин ҳолатда бурилишини таъминлайдиган тешик диаметри аниқланди. Тадқиқотдаги пропорция масаласини ечишда ва Z_{x_c} нинг олинган қийматлари асосида симметрия ўқининг оғиш бурчаги $1,10D$ ни ҳисобга олган ҳолда тешик диаметри аниқланди. Чигит–пахта бўлакчаси шартини аниқ бўлиниши етарли, деб ҳисобланганда толали чигит тешикнинг аниқланган диаметрига сифмаслиги керак. Бунинг учун чигитнинг марказини тола томонга силжитиш етарли бўлади. Қабул қилинган бундай чеклашлар ўлчаш тизими учун етарли эканлигини билдиради. У ҳолда Z_{x_c} нинг қийматини

$$Z_{x_c} = \frac{Z_b \cdot m_b + Z_c \cdot m_c}{m_b + m_c}$$

формула билан аниқлаб, тола оғирлиги топилиши мумкин бўлади.

Тажрибаларни кўп маротаба қайтарилиши натижасида оғирлиги 0,0040 граммдан юқори бўлган толадор чигит худди шундай, лекин оғирлиги кичик бўлган чигитга инсбатан битта тешик масофага узокрокқа ҳаракатланди. Толанинг оғирлигини 0,0060 граммгача ошириш летучкаларни иккита тешикдан ўтиб кетишига олиб келди (яъни диаметр 1 мм.га ортади). Чигит оғирлигини $m_c = 0,0030$ кичик қийматга пасайтириш толасиз чигитлар каби худди шу тешикка тушиб кетишига олиб келди. Шундай қилиб, толали чигитларни уларнинг оғирлиги бўйича саралаш мумкинлиги тасдиқланди.

Бундан ташқари мазкур бобда нисбий, сочилувчи ва хажмий оғирлик, эгилувчанлик хоссалари ва мустаҳкамлик бўйича ҳамда жинланган чигитларнинг механик – технологик хоссаларини тадқиқ қилиш ҳамда олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида пахта чигитларини толадорлиги бўйича ажратишда қўллаш, ҳамда турли материалларнинг юзалари бўйича ишқаланиш коэффициентларини аниқлаш ҳисобларини бажаришда фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Юқорида кўриб ўтилган чигитларнинг хоссаларига боғлиқ ҳолда толадор чигитлар ҳаракат қиладиган юзанинг параметрлари аниқланган.

Пахта чигитлари ҳаракатини ўрганиш учун С-6524 нав пахта танлаб олинган. Пахта тозалаш корхонасида умумий ҳолда жиндан чиққан толадор чигитлар таркибида 3-4 % чигит майдалари, ифлос аралашмалар, 1,5-2,5 % тоза чигитлар, 45-60 % бир марта линтерлаш лозим бўлган чигитлар, 25-35 % икки марта линтерланадиган чигитлар, 5-6 % летучка ва эркин толалар мавжудлиги аниқланди. Жинланган чигитларни тўрли юзаларда ҳаракатлантириб, уларни фракцияларга самарали ажратишга ҳаракатланаётган юзалар узунликлари анчагина фаол таъсир қилиши тўғрисидаги фикрни инобатга олган ҳолда тадқиқотлар асосида ҳар бир фракция учун ажратилган юзалар узунликлари аниқланди.

Тадқиқотлар асосида пахта чигитини тўрли юзадаги ҳаракатига таъсир қилувчи асосий параметрлар аниқланди, жумладан, тебраниш амплитудаси 15-20 мм, тебраниш частотаси 6-8 Гц, юза қиялиги 13-15° қилиб олинганда энг яхши самарадорликка эришилди, бунда юзадаги чигит тезлиги 0,21-0,269 м/с ҳамда ишқаланиш коэффиценти 0,59-0,575 оралиқларда бўлиши мақсадга мувофиқ бўлиши эътироф этилди.

Тадқиқотлар асосида аниқланган қийматлардан чигит ҳаракатланадиган юзанинг охиригача ҳаракат тезлигини ошира бориши асосланди. Мазкур тезлик фракциялар учун ажратилган юза қисмларида турлича бўлади. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, қурилманинг иш самарадорлиги (фракцияларнинг ўзи мўлжалланган юзалар тирқишларига аниқ тушиши) жинланган чигитларнинг оғирлигига ҳам боғлиқ бўлади. Жумладан, юзанинг дастлабки қисмида чигитли масса оғирлиги ва ҳажми катта бўлади ва узокроқ юза оралиғи лозим бўлиши тавсия қилинди.

Пахта чигитларини саралаш юзалари оралиқлари узунлигини тезлик ҳамда ишқаланишни инобатга олган ҳолда аниқлаш учун назарий тадқиқотлар ўтказилди.

Статик куч таъсирида бўлган чигитлар бўйича қуйидаги кўринишдаги тенглама тузилди:

$$\begin{cases} F_{\text{инт}} = G \sin \alpha \\ N = G \cos \alpha \end{cases} \Rightarrow \begin{cases} fN = mg \sin \alpha \\ N = mg \cos \alpha \end{cases}$$

Олинган тенгламалар фракциялар учун ажратилган юза қисмлар ҳар бирининг узунлигини аниқлаш имкониятини берди. Тадқиқотларда ҳар бир фракциялар юза қисми (секция) узунликларини 50 см дан 70 см оралиғида ўзгартириб текширилди. 1-жадвалда тадқиқотлар натижасида олинган юза қисмлари оралиқ масофалари берилган.

Тадқиқотда чигит шаклини эллипссимон кўринишда олиб, уч қисм, яъни: иккита ярим айлана S_2 ва тўғри тўртбурчак S_1 юзалар кўринишда, деб қабул қилинди.

Фракцияларни ажратиш учун юза қисмларнинг узунликлари

Юза қисмлари номери	$l, \text{ см}$		$V_0, \text{ м/с}$	$V, \text{ м/с}$	f
	Наз.	Амал.			
1	69,8	70,0	0,225	0,24	0,591
2	58,6	60,0	0,24	0,253	0,582
3	64,0	70,0	0,25	0,261	0,575

Юзалар унумдорлигини аниқлаш мақсадида, чигитли қатлам билан юза қисмларни бир қават тўлдирилганда қатлам қанча массага эга бўлишини топиш керак бўлади. Бунга эришиш учун секциялар ва чигит юзасини топиб олинди:

$$S_c = l_s \cdot l_c; \quad S_q = S_1 + 2S_2 \quad \text{бу ерда: } S_1 = a_q \cdot b_q; \quad S_2 = \pi r_q^2.$$

Тадқиқотлар асосида олинган формулаларни ҳисоблаб, қуйидагиларни таъкидлаш мумкин, яъни 70 см юза қисмини бир қават қатлам билан тўлдирилганда унда ўртача 20200-20300 дона чигит тўпланади. 1000 дона чигит оғирлиги 138,2 гр эканлигини ҳисобга олинса, унда юза қисмида ўртача 2805 гр чигитли масса тўпланади.


Кейинги тадқиқотда чигит тўрли юза қисмини ҳаракатланиб ўтиш вақтини аниқлаймиз:

$$t = \frac{l}{v} = \frac{0,7}{0,225} = 3,11, \text{ с}; \quad \text{унда,}$$

$$M_1 = \frac{2,8 \cdot 3600}{3,5} = 2880, \text{ кг/соат.}$$

Бундан келиб чиқадики, дастлабки юза қисмидан бир соатда 2880 кг чигит ўтиши мумкин экан. Мос равишда қолган юза қисмлардан 3100 ва 4100 кг/соат чигит ўтиши мумкин. Шу асосда ҳар бир юза қисмининг унумдорлигини топиш мумкин. Бунда юза қисмларнинг узунлиги ҳамда тезликларининг ҳар бир қисмда ўзгариб боришини инобатга олиш керак. Ниҳоят қурилманинг саралаш юзасини тўлиқ қоплаган ҳолда чигитли масса ҳаракатланса, бир соатда ўртача 3336 кг га тенг бўлиши аниқланди. Бундан ташқари юза қисмларга келган чигит қатлампидан чигитларни мос тирқишларда сараланишини инобатга олинса, чигит саралаш қурилмаси таъминлагичи 3500 кг/соат иш унумдорлигида ишласа, қурилма саралаш самарадорлиги бузилмаслиги асосланди.

Кейинги ишда чигитларнинг саралаш юзасидаги ҳаракати ўрганилди. Назарий тадқиқотлар натижасида ҳаракатга таъсир қилувчи омилларга боғлиқ ҳолда графиклар қурилди (1-расм).



1-расм. $\alpha=10^{\circ}$ ҳамда $\alpha=13^{\circ}$ да горизонтал ҳолатда чигитнинг вақт бўйича кўчиши


Графиклардан кўринадики:

$$x(t) = \frac{1}{2} g (\sin \alpha - f_x \cos \alpha) t^2 - \frac{a_0}{\pi p^2} \cos \alpha \cdot \sin pt + \frac{a_0}{\pi p} \cos \alpha \cdot t.$$

Бу тенглама орқали чигитнинг x ўқи бўйлаб тебранма ҳаракатида юзанинг қиялик бурчаги $\alpha=13^{\circ}$ бўлганда 20 мм амплитудада ҳаракат бир текисда бўлиши кузатилади. Шунинг учун кейинги тадқиқотлар шу катталиклар бўйича олиб борилди.

Диссертациянинг “**Толадор чигитларни тебранувчи қурилмада тутиб қолиш самарадорлигини ўрганиш**” деб номланган учинчи бобида тажрибавий тебранувчан қурилма яратилган ҳамда унда назарий тадқиқотлар ўтказиб, уларнинг натижалари келтирилган.

Тажрибавий виброқурилма (2-расм) рама 1, эксцентрикли вал 2, шатун 3, эластик устун 4, титратиш кареткеси 5, жинланмаган пахта бўлакчаларини ташиш учун нов 6 ва берилган қолдиқ толадор чигитларни ташиш учун нов 7 лардан ташкил топган.



2-расм. Вибрация қурилманинг схемаси

Тажриба қурилмаси қуйидаги тартибда ишлайди: жинланган фракция таъминловчи барабан орқали эластик устунларга ўрнатилган титратиш

кареткасининг тўрли юзасига келиб тушади ва эксцентрикли валдан тебранма ҳаракат олади. Тўрнинг юзасида турган пахта аралашмасига титраш таъсирида деформация тўлқинлари тарқалади.


Вибрацион қурилманинг амплитуда - частотали тавсифларини аниқлаш учун тажрибавий тадқиқотлар олиб борилди. Тажрибаларни қуйидаги амплитуда-частотали қийматларда ўтказилди:

тебраниш амплитудаси – $A = 7; 12; 17; 22; 27$ мм;

тебраниш частотаси – $p = 3; 4; 5; 6; 7$ Гц.

Материални узатиш таъминлагич томонидан бир меъёрда амалга оширилди ва вариатор ёрдамида сошлаб турилди. Яхши жинланмаган пахта чигитлари ва эркин толаларни тутиб қолиш тўрли юзанинг турли оғиш бурчакларида ($\alpha = 10-20^\circ$) олиб борилди ва нормал ишлов берилган чигитларнинг миқдори камайганлиги учун оғиш бурчагини янада ошириш мақсадга мувофиқ, деб топилмади.

Агар, олинган графиклар таҳлил қилинса, нормал ишлов берилган чигитлар ажралиши тебранишнинг катта частоталарида ($p = 6$ Гц) жадал амалга ошади, бунда самарадорлик 80-85 % га тенг бўлди. Частотани келгусида 7 Гц дан ошириш нормал ишлов берилган чигитлар ажралишининг камайишига олиб келди. Тажриба натижаларига кўра ишлов берилганидан сўнг тутиб қолиш самарадорлиги билан тебраниш частотаси орасидаги боғлиқликни характерловчи регрессия тенгламаси олинди ва натижалар асосида графиклар қурилди (3-расм).



3-расм. а) $\alpha=10^\circ$; б) $\alpha=15^\circ$ оғиш бурчагида вибротутгичнинг тутиш самарадорлигини тебраниш частотасига боғлиқлик графиклари:


1 – $A = 7$ мм; 2 – $A = 12$ мм; 3 – $A = 17$ мм; 4 – $A = 20$ мм; 5 – $A = 27$ мм.

Материалнинг қалинлиги ва тутгичининг тебраниш частотасига боғлиқ ҳолда ушбу чизикларнинг таҳлили қатламнинг қалинлиги ортиши билан жараённинг самарадорлиги пасайишини кўрсатади. Агар $p = 4$ Гц частотада 12 амплитудада ишлов берилувчи қатламнинг минимал қалинлиги 20-25 мм бўлганида 62-63% самарадорликни беради, $h=45-50$ мм да ушбу қиймат 5-10% га паст бўлади. Чигитлар қатламининг бир хил қалинлигида тебраниш жадаллигининг ўзгариши тутиб қолиш самарадорлигига таъсир кўрсатади.

Масалан, энг самаралиси қатлам 20 мм бўлганда $p = 6$ Гц да 82-83 % га тенг бўлади, $p = 7$ Гц да бу кўрсаткич 77 % га тушади.

4-расмда келтирилган графикни таҳлил қилиб жараён самарадорлигининг ўзгаришини амплитуда, частота ва ишлов берилувчи қатлам қалинлигига боғлиқлиги қонуниятларини кўриш мумкин.

Олиб борилган тадқиқот натижалари бўйича ишлов берилувчи қатламнинг мақбул қалинлигини $h=20-30$ мм танлаш мумкин, бунда тўрнинг тешиги орқали нормал ишлов берилган чигитлар жадал ажрала боради ва толали масса ичида чигитларни минималлигини таъминлайди.




4-расм. Чигитлар қатлами қалинлигини вибротутгичнинг иш самарадорлигига таъсири: а) $A=10$ мм; б) $A=20$ мм

1 – $p = 3$ Гц; 2 – $p = 4$ Гц; 3 – $p = 6$ Гц; 4 – $p = 7$ Гц; 5 – $p = 8$ Гц

Шундай қилиб, регрессиянинг олинган тенгламалари шуни яна бир бор тебранишнинг p частотаси ва A амплитудасини ошириш билан вибрацион қурилмасининг тутиб қолиш самарадорлигини ортишини, қатлам қалинлигини ортиши билан камайишини исботлади.

Ушбу бобда учта ўзаро таъсирлашувда бўлган чигитларнинг турғунлиги ҳамда оғма текисликдаги ҳаракатини ўрганиш бўйича тадқиқотлар ўтказилди.

а) $f_0=0,1$



5-расм. $f_0=0,1$ да учта чигитлар тизимининг турғунлик диаграммаси:

1- $f = 0,1$; 2- $f = 0,2$; 3- $f = 0,3$; 4- $f = 0,4$; 5- $f = 0,5$; 6- $f = 0,6$.

Тадқиқотлар натижасида ишқаланиш коэффициенти ва бошқа омилларга боғлиқ ҳолда 3 та чигитлар тизимининг турғунлик диаграммаси курилди (5-расм).

Бажарилган тадқиқотлар натижасида мувозанат шarti ва чегаравий бурчакни аниқлаш услуби ишлаб чиқилди, бурчакнинг ўзгариши билан мувозанат шarti бузилади ва чигитлар пастга қараб ҳаракатлана бошлаши, вақт ўтиши билан юқоридаги чигитлар пастки бўшлиққа етиб бориши аниқланди.

Пастки чигит учун ҳаракат бошланишига таъсир қилувчи бурчакни аниқлаш формуласини ёзамиз:


$$\sin \omega t_0 = \cos \varphi_0 \left[\frac{2 \cos \varphi_0 \cos \lambda (\cos \varphi_0 \sin \varphi_0 - f_1) +}{+ \cos \lambda \sin \varphi_0 - 2nf_2 \cos \lambda \cos \varphi} \right] /$$

$$/ \bar{A}_0 \left(\sin^2 \varphi_0 + 2n \cos^2 \varphi_0 - \frac{1}{A} \frac{\sin \lambda (2 \sin \varphi_0 + 1)}{1 + 2\pi} \right) = \Phi(\lambda, \varphi_0, \bar{A}_0)$$

Ҳисобларда $t=0$ учун $\lambda = 10^\circ$, $\varphi = 59^\circ$, $f_1 = f_2 = 0,5$ қабул қилинди, яъни ҳаракат $t_0 = 0$ вақт моментидан бошланади. Шундай қилиб, масаланинг шarti олдингидан текисликнинг гармоник қонун бўйича тебранма ҳаракати мавжудлиги билан фарқ қилиши аниқланди. Бажарилган ҳисобларнинг натижаларини текисликнинг тебраниши борлиги ва йўқлигини солиштирилганида тебраниш чигитларни ўзаро ҳаракатланишига ёрдам беради, натижада юқorigи бўлак юзага етиб бориши 1,5-2,0 мартага камайиши асосланди.

Қия текислик бўйлаб учта чигитлар тизими ҳаракатининг назарий тадқиқотларида учта чигитлар тизими горизонтал бўйлаб α бурчак остида текислик ўқ бўйича ҳаракатланаётган ҳолатида, чигитларни юза бўйлаб вақтга нисбатан ҳисоблар натижалари бўйича ўлчамсиз қийматларда ҳаракатланиш графиги курилди (6-расм).

$$\alpha = 10^\circ$$



6-расм. Вақт бўйича чигитларни юзага нисбатан ҳаракатланиш графиги

Кейинги тадқиқотларда жинланган чигитлар таркибидан толадор чигитларни ажратиш учун ажратиш барабанининг иш қобилияти ўрганилди. Ажратувчи барабан гарнитурасининг тури ва геометрик параметрларини

тўғри танлаш узун толадор чигитларни ажратиш жараёнини яхшилашни таъминлайди. Лекин ҳозиргача ажратувчи барабан гарнитурасининг геометрик параметрлари назарий томондан асосланмаган.

2-жадвал

Гарнитура толадор масса сиғимининг винтсимон чизиқлар қадамига боғланиши

№	Винтсимон чизиқларнинг қадами, мм	Гарнитуранинг толадор масса сиғими, мм ³ /мм ²			
		Қия игнали		Тўғри игнали	
		1-вариант	2-вариант	3-вариант	4-вариант
1	1,0	276,14	275,56	278,21	278,02
2	1,5	284,09	283,71	285,47	285,35
3	2,0	288,07	287,78	289,11	289,01
4	2,5	290,45	290,22	291,28	291,21
5	3,0	292,04	291,85	292,74	292,67

Ушбу тадқиқотда игнали гарнитура учун 2-жадвалда келтирилган ҳисоблар натижалари асосида толадор масса сиғими V_{cb} нинг бўйлама йўналишдаги игналар қадами S га боғланиши ҳам аҳамиятли кўрсаткич экани аниқланди.

Ажратиш барабани игнали гарнитурасининг ушлаб туриш қобилияти тадқиқ қилинганда қуйида берилганлар бўйича ҳисоблаш ишларини амалга оширилди: $d=1,0$ мм, $t=6$ мм, $s=4$ мм, $k=1$. Ҳисоблашлар натижалари 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Игналарнинг гарнитура ушлаб туриш қобилиятига таъсири

№	Вариант	μ	l_n , мм	D , см	γ	C_1 , мм	γ_1	γ_2	P/P_0
1	I	0,32	30	36,5	9,6 ⁰	0,084	10,4 ⁰	12,1 ⁰	4,50918
2	II	0,508	50	54,2	9,6 ⁰	0,067	8,8 ⁰	7,1 ⁰	19,1109

Шундай қилиб, ажратувчи барабан диаметрининг технологик шартлар бўйича зарур чегарагача камайиши ва барабан юзасида игналарнинг кўп қиримли винтсимон чизиқ бўйлаб жойлаш узун толаларни ажратиш соҳасида толаларни энг яхши ажратиш имкониятини яратади.

Жадвалдан кўриниб турибдики, барабан юзасидаги игналарнинг бир қиримли винтсимон чизиқ бўйлаб жойлашиши гарнитуранинг ушлаб туриш қобилиятига сезиларли таъсир кўрсатмайди. Лекин, винтсимон чизиқлар қиримли сони " z " нинг ошиши ва ажратувчи барабан диаметри " D " нинг камайиши билан игналар сиғими " C " ортади, гарнитуранинг ушлаб туриш қобилияти камаяди ва толаларнинг ажраши яхшиланади.

Диссертациянинг “**Жинланган чигитларни саралаш қурилмасининг**


тажриба конструкциясини тадқиқ қилиш” деб номланган тўртинчи бобида янги тажриба қурилмаси ишлаб чиқилиб, унда ўтказилган тажрибавий тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Ушбу бобда тайёрланган экспериментал қурилма чигитни жараёнга бир меъёردа узатиб берувчи таъминлагич, чигитни тукдорлиги бўйича саралаб берувчи саралагич ва толадор чигитларни қайта ишловчи махсус жин машинасини ўз ичига олувчи комплекс қурилмадан иборат бўлиши керак.

7-расмда чигитни саралаш ва жинлаш қурилмасининг технологик схемаси келтирилган

Бу ерда 1-таъминлагич, 2-тебранувчи тўрли юза, 3- толадор чигитларни илиб олувчи игнали барабан ва унинг остида ўрнаган 4-тўрли юза, 5-тўзитгич ўрнатилган ишчи камера, 6-колосник, 7-чигит чиқаргич ва 8-аррали цилиндрга эга бўлган аррали жин, ҳамда ажралган компонентлар учун 9-чигит тўплагичлар, тўрли сиртни тебранма ҳаракатга келтирувчи 10-дисбаланс ва 11- қайишқоқ элемент (пружина) га эга бўлган электр юриткич. Ўтказган тадқиқотлар натижаларини инобатга олган ҳолда истиқболли ечим сифатида чигит саралагичга чигитни узатиш учун ҳам вибрацион таъминлагич ўрнатиш лозимлиги асосланди.

Ҳар икки қурилма - таъминлагич ва саралагич бир хил принципга асосланганини инобатга олиб, биз комплекс қурилма конструкциясини соддалаштириш учун ҳар иккала қурилмага битта тебранувчи юза танлашни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Бунда тўрли юзанинг вибротаъминлагич остига тўғри келадиган қисми яхлит, яъни тешикларсиз тайёрланади.



7-расм. Чигитни саралаш ва жинлаш қурилмасининг технологик схемаси


Вибротаъминлагич иш унуми шарнирга ўрнатилган пластина орқали бошқарилади. Бу пластина тебранувчи юза билан ҳосил қилувчи оралик

ўлчамини ўзгартириш (катта-кичик қилиш) йўли билан таъминлагичдан чиқаётган чигит оқими миқдорини ўзгартиради.

Чигит саралагичнинг ишлаш принципи ўзгармайди. Яъни, таъминлагичдан белгиланган иш унумига тўғри келадиган чигит оқими тўрли юзага ўтади ва унинг юзаси бўйлаб пастга ҳаракат қилади. Дастлаб, майда тешикли, кейин, йирик тешикли, сўнгра сим тортилган юза бўйлаб ҳаракатланиш давомида майда ифлосликлар биринчи секцияда, яланғоч чигитлар 2-секцияда, момик қопламали чигитлар 3-секцияда тешиклардан ўтиб, пастга, чигит тўплагичларга тушади ва навбатдаги босқичга узатилади.

Симли юзада қолган толадор чигитлар игнали барабанга келади ва толасидан илиб олиниб, жин камерасига ташлаб берилади. Бу ерда толадор чигитлар махсус жин камерасида қайта ишланади: толаси ажратиб олинган чигит винтли конвейерга, тола эса конденсерга юборилади.

Чигит саралаш қурилмасининг ўзига хослигидан келиб чиқиб, унинг учун таъминлагич конструкциясини алоҳида лойиҳалаш лозим, деб ҳисоблаймиз. Янги қурилма конструкциясини ишлаб чиқишда унинг соддалиги ва ишчи органлари параметрларини ўз вақтида, осон ўзгартириш имкониятига алоҳида эътибор қаратилади. Таъминлагич ишчи схемаси 8-расмда келтирилган.



8-расм. Таъминлагич ишчи схемаси

Таъминлагич бункер 1, унинг олд деворида шарнирга ўрнатилган ричаг 2 га маҳкамланган пластина кўринишидаги ростлагич 3, бункер остида ўрнатилган тебранувчи юза 4 ва тебранма ҳаракат берувчи дисбаланс 5 ҳамда пружина 6 га эга бўлган электр юриткич янги таъминлагичнинг асосий ишчи органларини ташкил этади. Иш вақтида линтер тақсимлагич шнеги 7 дан келаётган чигит массаси бункер 1 га тушади ва унда тўпланади. Юза 4 тебраниши натижасида пахта чигити массаси ҳам тебранади ҳамда ўз оғирлик кучи таъсирида пастга ва юзанинг оғиш йўналиши томон силжий бошлайди. Бункернинг олд деворида шарнирга ўрнатилган ричаг 2 га маҳкамланган пластина кўринишидаги ростлагич 3, бункер остида ўрнатилган тебранувчи юза 4 билан ҳосил қилган оралик h баландликдаги чигит қаватини ўтказишни таъминлайди. Ростлагич 3 жараён учун дозатор вазифасини бажаради, яъни унинг ҳолатини ричаг 2 ёрдамида ўзгартириш йўли билан чигит қавати баландлигини, у орқали эса таъминлагич иш унумини бошқариш амалга оширилади.

Иш давомида ростловчи пластинадан ўтган h баландликдаги чигит оқими таъминлагичдан чиқиб, саралагич тўрли юзасига тарқалади. Шу тарзда саралагич учун чигит билан таъминлаш жараёни юз беради.

Юза 4 га тебранма ҳаракат берувчи дисбаланс 5 ҳолатини ўзгартириш йўли билан юзанинг тебраниш амплитудасини, электр юриткич ротори айланишлар сонини ўзгартириш орқали эса тебраниш частотасини ўзгартириш мумкин.

Курилмада дисбаланс тоши массасини ва пружина 6 бикрлигини ўзгартириб, тебраниш кучи қийматини бошқариш имконияти ҳам мавжуд. Барча кўриб ўтилган кўрсаткичлар вибротаъминлагич параметрларининг таъминлаш ва саралаш жараёни кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш ҳамда саралаш самарадорлигининг максимал қийматини таъминлаб берувчи оптимал параметрларни аниқлаш имконини беради.

Тадқиқотда янги таъминлагич тадқиқ қилиниб, қуйидаги ечимлар олинди: умумий ҳолатлар учун чиқувчи қийматлар аниқланди: $F_0 = 180 \text{ Н}$; $\omega_1 = 12 \text{ рад/с}$; $C_1 = 1800 \text{ кН/м}$; $\omega = 146^{-1} \text{ с}$ бу ҳолда ишқаланиш коэффициентини f ва қиялик бурчаги α қуйидаги орқалиқларда ўзгарди: $f = 0,5 - 0,6$; $\alpha = 15^\circ - 20^\circ$. f ва α қийматларининг эгри чизикларидан: уларнинг танлаб олинган қийматларида, яъни $f = 0,5$; $\alpha = 15^\circ$ ва $f = 0,6$; $\alpha = 20^\circ$ да самарали тебранишни ҳосил қилиш мумкинли аниқланди.

